



АЛ ВА КҲКЛАРИДА ФИЗИКА ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ БИЛИМ ВА АМАЛИЙ ЛАЁҚАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Х.Р. Абдукаримова, Р. Хасанова

СамДУ доценти, Жомбой МХКХК олий тоифали ўқитувчиси

Талабанинг қобилияти ва билим даражасини текшириш, шу текширув натижалари асосида таълим стратегиясини такомиллаштириб бориш ўқитувчи фаолиятининг муҳим босқичлари ҳисобланиб, ўқитиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Талабанинг маълум бир йўналиш ёки фан бўйича олган билимларини юқори аниқликда баҳолаш ўқитувчига таълим стратегиясини талабанинг ўзлаштириш даражасига мувофиқ мукамаллаштириб боришимконини яратади. Маълумки, олий ва ўрта махсус таълим тизимида талабалар билимини баҳолашнинг асосан икки усули мавжуд:

- 1) Биринчи усул талабанинг муайян фанни қай даражада ўзлаштирганлигини баҳолаш;
- 2) Иккинчи усул талабанинг маълум бир фан бўйича олган билимларини амалиётда қай даражада қўллай олишини баҳолашдир.

Биринчи усул талабани дарсларга жиддий ёндашиш, фан бўйича иложи борица тўлиқ маълумотга эга бўлишқаби кўрсаткичлар бўйича баҳолаш учун қулай бўлса, иккинчи усулнинг устунлиги шундаки, бу усулда талабанинг фан бўйича олган назарий билимларини реал ҳаётий муаммоларга қай даражада қўллай олиши аниқланади. Бунда талаба олган билимларини реал ҳаётий муаммога тадбиқ қилиш учун ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишга мажбур бўлади ва ўз хато-камчиликларини тушуниши осонлашади. Бундан ташқари, иккинчи усул талабани мазкур фан бўйича мавжуд назарияларга танқидий назар билан қарашга ундайди. Баҳолашнинг бу усулида талабага реал ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳолат ёки муаммо топшириқ сифатида берилади ва талабадан ўзлаштирилган назарий билимларга таяниб, мазкур ҳолат ёки муаммо бўйича илмий-танқидий мулоҳаза юритиш ёки муаммонинг ечими бўйича кўрсатмалар бериш талаб этилади.

АЛ ва КҲКларида физика фанини ўқитишда эришган тажрибамиз шуни кўрсатадики, таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида амалий, айниқса, лаборатория машғулотларида талабаларнинг назарий билимлари, амалий кўникма, лаёқатларини баҳолашда ҳар бир лаборатория ишини бажаришдан қўйилган мақсадга кўра поғонама-поғона баҳолаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежида физика фанидан ўқув дастурида белгиланган лаборатория ишларини бажаришда талабаларнинг назарий билимлари ва амалий лаёқатларини баҳолашни Самарқанд давлат университети “Қаттиқ жисмлар физикаси” кафедраси




билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар асосида амалга ошириш тажрибаси яхши самара бераётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳар бир лаборатория иши бўйича ишланма қуйидаги тартибга эга:

1. Лаборатория ишининг мавзуси;
2. Ишнинг мақсади;
3. Лаборатория ишини бажаришдан кутилаётган натижалар;
4. Ишни ўрганиш босқичида талаба эгаллаши зарур бўлган билимлар;
5. Лаборатория ишини бажариш босқичида талаба эгаллаши зарур бўлган кўникма ва малакалар;
6. Лаборатория ишини бажариш учун керак бўладиган жиҳозлар мажмуи;
7. Машғулотнинг технологиявий харитаси;
8. Талаба учун йўл-йўриқ харитаси;
9. Ишни бажаришдан кутилаётган натижага эришганликни аниқлаш учун топшириқлар;
10. Ўқув материални ўзлаштириш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати.

Услубий кўрсатмаларда лаборатория ишини ўрганиш босқичидаталаба эгаллаши зарур бўлган билимларни ҳамда уни бажариш босқичида талаба эгаллаши зарур бўлган кўникма ва малакаларни баҳолашда белгилаб олинган лаёқатлилик элементларига кўра ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларидан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, “ Жисмнинг ҳажми ва зичлигини аниқлаш ” мавзусига доир лаборатория иши бўйича ишни ўрганиш босқичидаталаба эгаллаши зарур бўлган билимларни баҳолашдалаёқатлилик элементлари сифатида масса, ҳажм, зичлик тушунчаларини билиш, уларга таъриф бериш, уларнинг математикавий ифодалари, бирликларини билиш, ушбу катталиклар орасидаги муносабатни билиш каби элементлар киритилган бўлса, ишни бажариш босқичида талаба эгаллаши зарур бўлган кўникма ва малакаларни баҳолашда эса, ишни бажариш учун зарур бўлган асбоблар ва жиҳозларни фарқлай олиш, уларнинг ишлаш тамойилини, уларни ишлатишни билиш, лаборатория ишини бажариш тартибини билиш, иш бўйича қурилмани йиғиш, иш ўрнини тартибга келтиришни билиш, олинган натижаларни қайта ишлашни билиш, иш бўйича ҳисобот тайёрлашни билиш кабилар лаёқат элементлари қилиб олинган. Талабанинг лаборатория иши бўйича назарий билими ва амалийкўникмалари лаёқатлилик элементларига мос равишда баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Машғулотнинг технологиявий харитасида одатдагидай машғулотнинг босқичлари, уларнинг қисқача мазмуни, уларга ажратилган вақт, шакли ва методи келтирилган. Услубий ишланманинг талаба учун йўл йўриқ харитаси қисмида лаборатория ишини бажариш жараёнида талаба олиб бориши зарур бўлган фаолият босқичма босқич баён этилган бўлиб, ҳарбир босқични қайси асбоблар ёрдамида, қандай тартибда амалга ошириш зарурлиги кўрсатилган. Ҳар бир иш бўйича уни бажаришдан



кутилаётган натижага эришганликни аниқлаш учун ишлаб чиқилган топшириқлар ва уларни баҳолаш мезонлари талабанинг муайян лаборатория иши бўйича эришган билими ва амалий кўникмаларини юқори аниқликда баҳолашда ёрдам беради.